

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

Рўйхатга олинди  
№ БД-1.10  
2011 йил “8” 11

Ўзбекистон Республикаси Олий ва  
ўрта махсус таълим вазирлигининг  
2011 йил 17 сентябрдаги 392-сон  
буйруғи билан тасдиқланган

**TAJRIBA-SINOV**

**СИЁСАТШУНОСЛИК**  
**ФАНИДАН НАМУНАВИЙ**  
**ДАСТУР**

(бакалавр йўналишлари учун)

Тошкент – 2011

Мазкур намунавий дастур Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълим ўқув-методик бирлашмалари фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2011 йил 9 сентябрдаги 3-сон мажлис баёни билан тажрибавий дастур сифатида маъқулланган.

Ушбу дастур “Сиёсатшунослик” фанидан бакалаврнинг тайёргарлик даражаси ва зарурий билимлари мазмунига қўйиладиган талаблар асосида тайёрланган.

Тажрибавий дастурни келгусида тўлдирилган ва бойитилган ҳолда чоп этиш заруратини ҳисобга олиб, фикр-мулоҳазаларингизни қўйидаги манзилга юборишингизни сўраймиз:

**Тошкент шаҳар, 2-Чимбой кўчаси 96-уй, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги “Маънавий-ахлоқий” тарбия бошқармаси, тел: 246-10-58, 246-10-54**

Фаннинг ўқув дастури Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида ишлаб чиқилган.

**Тузувчилар:**

- |               |   |
|---------------|---|
| Эргашев И.    | - сиёсий фанлар доктори, профессор (ДЖҚА)   |
| Қуранбоев Қ.  | - сиёсий фанлар доктори (ЎзМУ)              |
| Муминов А.    | - сиёсий фанлар доктори (ЎзМУ)              |
| Отамуродов С. | - фалсафа фанлари доктори, профессор (ТКТИ) |
| Ўтамуродов А. | - фалсафа фанлари номзоди, доцент (ЎзМУ)    |
| Жабборов Х.   | - катта ўқитувчи (ЎзМУ)                     |
| Қосимова Х.   | - катта ўқитувчи (ЎзМУ)                     |
| Мавлонов Ж.Ё. | - катта ўқитувчи (ЎзМУ)                     |

**Такризчилар:**

- |                |                                     |
|----------------|-------------------------------------|
| Саифназаров И. | - фалсафа фанлар доктори, профессор |
| Жўраев С.      | - сиёсий фанлар доктори, профессор  |

Фаннинг ўқув дастури Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Илмий-методик кенгаши томонидан тавсия қилинган (2011 йил 19 августдаги 1-сон баённома).

## Кириш

Бугунги кунда сиёсатшуносликнинг асосий тушунчаларини, ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларидаги сиёсий фаолият, давлат, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотларининг иш усулларини, сиёсат ва инсоннинг, давлат ва жамиятнинг ўзаро муносабатини англашга тобора кўпроқ эҳтиёж пайдо бўлмоқда.

Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек: “... дунёда юз берётган туб ўзгаришлар жараёнида эгаллаб турган ўрнимизни холисона ва танқидий баҳолашимиз, тобора ошиб бораётган ҳаёт талабларига жавоб беришимиз, кечаётган давр билан ҳамқадам бўлишимиз”<sup>1</sup>-талаби амалга оширилиши долзарб масала сифатида кун тартибига қўйилмоқда

Ана шу мақсад ва талаблардан келиб чиққан ҳолда тайёрланган “Сиёсатшунослик” фани дастури сиёсий фан соҳасида эришилган ютуқлар, Ўзбекистонда демократик, фуқаролик жамияти қуриш ва ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда тажрибалари, ислоҳотларнинг янги босқичини бошлаб берган “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”да илгари сурилган концептуал ғояларни ўзида акс эттиради.

Шунингдек, дастурда фаннинг мақсадлари, вазифалари ва мазмуни ифодаланган бўлиб, унга доир асосий тушунчалар, илмий концепциялар, тамойиллар, сиёсий жараёнларнинг мазмун-моҳиятига оид масалалар қамраб олинган.

### Ўқув фанининг мақсади ва вазифалари

**Фани ўқитишдан мақсад** - талабаларда сиёсий билим ва кўникмаларни шакллантириш, сиёсий жараёнлар тўғрисида холис ва мустақил фикрлашга ўргатиш, фуқаролик позициясини ва масъулиятини тарбиялаш, етук мутахассис сифатида жамиятимиз ҳаётининг турли жабҳаларида фаолият кўрсатишлари учун замин яратиш, талабаларнинг мамлакатда бўлаётган ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар, уларни амалга ошириш стратегиясининг мазмун-моҳияти, сиёсий тизимни модернизация қилиш ва демократлаштириш босқичлари, Ўзбекистоннинг жаҳон сиёсий тизимида тутган ўрнига доир маълумотларга эга бўлиши, уларни холисона ва танқидий баҳолай олиши, тобора ортиб бораётган ҳаёт талабларига жавоб бериши, кечаётган давр билан ҳамқадам бўлишларига эришишдан иборат.

#### **Ўқув фанининг вазифалари:**

- талабаларга сиёсатшунослик фанининг мазмуни, моҳияти, предмети, таркиби тўғрисида дастлабки тушунча ва тасаввурларни бериш;
- сиёсатни ижтимоий ҳаётнинг алоҳида соҳаси сифатида ўзлаштириш, унинг сиёсатшунослик объекти ва предмети сифатида хусусиятлари, мазмуни, таркиби ва вазифаларини ўрганиш;

---

<sup>1</sup> Қаранг. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. –Т.: “Ўзбекистон”, 2010й. 6-бет.

- талабаларни давлат ҳокимиятига доир назарий концепциялар билан таништириш, ҳокимият шакллари, ҳокимиятнинг кадриятий-меъёрий жиҳатларини, шу жумладан, легитимлик тушунчасини ўрганиш;

- сиёсий акторлар тизимини (инсон, сиёсий етакчилар, сиёсий элиталар, манфаатли гуруҳлар, сиёсий партиялар) шу билан боғлиқ равишда ҳокимият ва ижтимоий-сиёсий манфаатлар ўзаро таъсирини ва кейингиларининг ҳокимият механизмлари орқали намоён бўлиши хусусиятларини кўрсатиш;

- талабаларни давлат ва фуқаролик жамияти муносабатлари, уларнинг ўзаро алоқадорлик механизмлари билан таништириш;

- сиёсатнинг субъектив асослари – сиёсий онг, сиёсий психология, сиёсий мафқуралар ва сиёсий маданиятнинг шаклланиши ва амал қилиши билан боғлиқ масалаларни ўрганиш;

- талабаларнинг сиёсий жараёнларда онгли ва фаол иштирок этиш малака ва кўникмаларини шакллантиришдир.

### **Фан бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакасига қўйиладиган талаблар**

“Сиёсатшунослик” фанини ўрганиш жарёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида бакалавр:

- сиёсий билим ва сиёсий фанлар ҳамда ижтимоий-гуманитар фанларнинг ўзаро алоқадорлиги, сиёсатшуносликнинг шаклланиши ва ривожланишидаги асосий босқичлар, сиёсий фан таркиби, сиёсий фаннинг асосий категориялари тўғрисида тасаввурга эга бўлиши;

- жамият ҳаётининг сиёсий соҳаси нималардан иборат эканлиги, сиёсатни тушунтиришнинг замонавий моделлари, сиёсат жамиятнинг бошқа соҳалари билан алоқалари табиатини англаши;

- сиёсатнинг бевосита ва билвосита субъектлари, уларнинг тузилиши, моҳияти, таркиби, асосий функциялари ва бу борадаги етакчи назарий ёндашувларни билиши;

- сиёсий тизим, модернизация ва демократлаштиришга доир замонавий назарияларни билиши,

- олинган билимларни холисона ва танқидий баҳолай олиши, кечаётган давр билан ҳамқадам бўлиши сиёсатшуносликнинг асосий тушунчалари тизимини амалда қўллай олишига эришишдан иборат.

### **Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвий кетма-кетлиги**

“Сиёсатшунослик” фани олий таълимнинг бакалавр босқичида ўқитиладиган “Ўзбекистон тарихи”, “Фалсафа”, “Социология”, “Маънавият асослари”, “Маданиятшунослик”, “Ҳуқуқшунослик”, “Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар”, “Ўзбекистонда демократик жамият куриш назарияси ва амалиёти” каби ижтимоий-гуманитар фанлар билан узвий боғлиқ ҳолда ўқитилади.

Ушбу фанни ўрганиш – ёш авлод камолоти, мамлакатда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг зарур шартидир. Айнан шу маънода, сиёсатшунослик фани сиёсат соҳасида рўй бераётган жараёнларни ўзаро алоқадорликда тушунтириб, уларни келтириб чиқарган сабабларни таҳлил қилиб беради. У сиёсатни ҳодиса ва ҳаракатларнинг тасодифий бирлиги тарзида эмас, сиёсий ирода ва манфаатларнинг ўзаро таъсири ва сиёсий институтлар имкониятларини амалга ошириш тарзида тушунтиради. Демак, сиёсий билим – ёшларнинг сиёсий ҳаёт ҳақидаги тасаввурларини тартибга солади. Шундай билимга эга одам ҳозирги кунда жаҳонда ва мамлакатимизда содир бўлаётган сиёсий жараёнларни яхши тушунади, бу жараёнларда онгли ва фаол равишда иштирок этади.

### **Фаннинг ишлаб чиқаришдаги ўрни**

Бугунги кунда ёш авлодни замонавий фан ютуқларига асосланган сиёсий билимлар билан қуроллантириш - рақобатбардош мутахассис кадрларни тайёрлашнинг зарур шартидир. Ёш мутахассисларнинг сиёсий тафаккур ва маданиятини шакллантиришга, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этишига эҳтиёж ва талаблар ортмоқда. Шу сабабдан сиёсатшуносликни ўқитиш – барча таълим йўналишларида илмий фикрловчи, сиёсий жиҳатдан саводхон кадрлар тайёрлашда, уларда етакчилик ва раҳбарлик кўникмаларини шакллантиришда аҳамиятлидир.

### **Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар**

“Сиёсатшунослик” фанини ўқитишда, анъанавий ўқитиш усуллари билан бир қаторда (маъруза, монолог) замонавий ахборот-педагогик технологиялар фаол қўлланилади. Жумладан, гуруҳларда ишлаш стратегиялари, ақлий ҳужум, баҳс-мунозара, матбуот конференцияси, ўқиш ва ёзув методикаларидан фаол фойдаланилади.

## **АСОСИЙ ҚИСМ**

### **Сиёсатшунослик фан сифатида**

Сиёсатшунослик – ижтимоий фанларнинг таркибий қисми. Унинг тарих, фалсафа, социология, иқтисодиёт назарияси, ҳуқуқшунослик ва бошқа ижтимоий фанлар билан ўзаро боғлиқлиги. Сиёсатшунослик фанининг тадқиқот объекти ва предмети. Сиёсатшуносликнинг асосий вазифалари.

“Сиёсат” тушунчаси. Сиёсатнинг ижтимоий табиати ва пайдо бўлишини тушунтиришга доир турли назарий ёндашувлар. Сиёсатнинг жамият ҳаётида тутган ўзига хос ўрни. Унинг тузилиши, воситалари ва усуллари.

Сиёсатнинг вазифалари: ижтимоий ҳаёт зиддиятларини бартараф этиш ва ижтимоий барқарорлик, яхлитлик, тинчлик-тотувликни таъминлаш. Сиёсатнинг шакллари ва даражалари: иқтисодий, ижтимоий, маданий, ички, ташқи, миллий, халқаро.

Сиёсатшуносликнинг ижтимоий билимлар тизимида тутган ўрни. Сиёсатшунослик фанининг таркиби. Сиёсат тўғрисидаги фанлар: сиёсат назарияси, сиёсий таълимотлар тарихи, сиёсий фалсафа, сиёсий институтлар тўғрисидаги таълимотлар, ихтилофшунослик, элитология, тадбиқий сиёсатшунослик, халқаро муносабатлар назарияси, қиёсий сиёсатшунослик ва ҳ. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда сиёсатшунослик фанининг шаклланиши, сиёсий билимнинг зарурлиги ва аҳамияти.

### **Сиёсий қарашларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши**

Сиёсат ҳақида дастлабки қарашларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши. Қадимги Шарқдаги сиёсий ғоялар. Конфуцийнинг давлат ҳақидаги назарияси. Қадимги Юнонистон ва Римдаги сиёсий фикрлар. Сукрот, Афлотун, Арасту, Цицероннинг сиёсат ва давлат ҳақидаги таълимотлари.

Ўрта асрларда Марказий Осиёдаги сиёсий фикр. Форобий, Ибн Сино, Беруний, Низомул-мулк, Юсуф Хос Хожибнинг сиёсий қарашлари. Амир Темурнинг давлатни идора қилиш ҳақидаги тамойиллари. А. Навоийнинг идеал жамият концепцияси.

XV-XIX асарларда Ғарбдаги сиёсий фикр. Н.Макиавеллининг сиёсат назарияси. Т.Гоббс ижтимоий шартнома ҳақида. Ж.Локк - мумтоз либерализмнинг асосчиси. Э.Беркнинг сиёсий қарашлари. Ш.Монтескье демократиянинг асосий қонунлари, ҳокимиятнинг бўлиниши назарияси ҳақида. Ж.Ж.Руссо фуқаролик жамиятининг давлатга нисбатан бирламчилиги тўғрисида. Т.Жефферсон, А. Гамильтон, Т. Мэдисон – Америка демократиясининг намоёндалари. И.Кант инсон эркинлиги, давлат ҳақида. Г.В.Гегельнинг давлат ва фуқаролик жамияти ҳақидаги таълимоти.

XIX аср охири ва XX аср бошидаги сиёсий – ҳуқуқий ғоялар. М.Вебер, В.Парето, Г.Москанинг элита ҳақидаги таълимоти. XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида Марказий Осиёдаги сиёсий фикр. Жадидчиликнинг сиёсий ғоялари.

Мустақиллик ва Ўзбекистонда сиёсий фикрнинг ривожланиши. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов асарларида сиёсий ғоялар.

### **Сиёсий ҳокимият**

Ҳокимият ва сиёсатнинг ўзаро боғлиқлиги. Ҳокимият тушунчаси, у билан боғлиқ бошқа тушунчалар. Ҳокимият субъекти, объекти, ресурслари тушунчаси. Сиёсий ҳокимият ва ҳокимиятнинг бошқа турлари (иқтисодий, ижтимоий, маънавий в.х). Сиёсий ҳокимиятнинг хусусиятлари.

Ҳокимият назариялари эволюцияси: ҳокимиятнинг шарқона талқини; ҳокимиятнинг исломий талқини; ҳокимият талқинининг Янги даврда Ғарбий Европа мутаффақирлари қарашларида ўзгариши. XX асрнинг 50-60-йилларида ҳокимият ҳақида олиб борилган мунозара. Ҳокимият «қиёфалари» тўғрисидаги баҳс. «Ҳокимият шакли» тушунчаси. Ҳокимият шакллариининг турли асослар негизида турлича туркумлашуви.

Давлат, сиёсий партиялар, манфаат гуруҳлари – ҳокимият шакллари эканлиги. Индивид ва ташкилот ҳокимияти. Иқтисодий, ижтимоий, маданий, сиёсий в.б. ҳокимиятлар. Ҳокимиятнинг янги шакллари. Куч, зўрлик, манипуляция, ишонтириш ва авторитет – ҳокимият шакллари сифатида.

### **Сиёсий тизим**

“Сиёсий тизим” тушунчаси ва моҳияти. Сиёсий тизимнинг таркиби: институционал, меъёрий, функционал, коммуникатив, маданий кичик тизимлар. Д.Истон, Г.Алмонд, К.Дойчнинг сиёсий тизим ҳақидаги концепциялари.

Сиёсий тизимнинг вазифалари: кириш ва чиқиш, назорат ва тартибга солиш, жамиятни бирлаштириш, мослашув ва тўлдириш, ресурсларни тақсимлаш. Сиёсий тизимнинг турлари: очик ва ёпиқ, демократик ва ғайридемократик, инструментал ва ғоявий, анъанавий ва замонавий тизимлар, демократия, авторитаризм, тоталитаризм. Демократиянинг халқаро миқёсида эътироф этилган тамойиллари. Демократиянинг замонавий концепциялари (либерал, жамоавий, плебисцитар, элитар, партиципацион).

Ўзбекистонда демократлашув ва унинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий негизлари. Ҳозирги Ўзбекистон сиёсий тизимининг модернизация қилиниши ва унинг ўзига хос хусусиятлари.

### **Давлат ва фуқаролик жамияти институтлари**

“Сиёсий институтлар” тушунчаси. Сиёсий институтларнинг турлари. Давлат – бош сиёсий институт. Жамият сиёсий тизимида давлатнинг ўрни. Давлатнинг моҳияти ва вужудга келиши ҳақида турли хил ёндашувлар: шартномавий-ҳуқуқий, миллий ва синфий. “Темур тузуклари”да давлатни бошқариш тамойиллари.

Ҳозирги замон сиёсатшунослигида давлатнинг жамиятда тутган ўрни тўғрисида янги қарашлар. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов давлатнинг бош ислохотчилиги ҳақида. Давлатнинг тузилиши: қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд органлари. Давлатнинг ички ва ташқи вазифалари.

Давлатларнинг маъмурий-ҳудудий тузилиши: унитаризм, федерализм, конфедерация. Бошқарув шакллари: монархия, республика, уларнинг асосий кўринишлари ва белгилари. “Ҳуқуқий давлат” ва “ижтимоий давлат” тушунчалари, уларнинг асосий белгилари.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда давлат ҳокимияти ва бошқарувининг демократлаштирилиши.

“Фуқаролик жамияти” тушунчаси. Фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва эволюцияси. Фуқаролик жамиятига доир асосий назарий ёндашувлар. Фуқаролик жамиятининг таркиби. Фуқаролик жамиятининг асосий вазифалари. Жамоат бирлашмалари. Ижтимоий ҳаракатларнинг моҳияти ва манбаи.

Ўзбекистонда фуқаролик жамияти шаклланишининг ўзига хос хусусиятлари. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг асосий институтлари.

“Сиёсий партия” тушунчаси. Сиёсий партиялар - сиёсий тизимнинг ўзига хос таркибий қисми сифатида. Уларнинг бошқа жамоат ташкилотлари ва уюшмалардан фарқи. Партиянинг сиёсий, социал, мафкуравий вазифалари.

Партияларнинг пайдо бўлиши ва шаклланиши. Уларнинг пайдо бўлишига ва шаклланишига таъсир этадиган таркибий –тарихий, иқтисодий ва сиёсий омиллар. Партиянинг турлари; кадрлар ва оммавий, демократик, авторитар ва тоталитар, етакчи, мухолиф партиялар ва ҳ.

Партиявий тизим ва унинг турлари; бир партиявийлик, икки партиявийлик, кўп партиявийлик. Ўзбекистонда кўп партиявийлик тизимининг қарор топиши ва унинг таснифи. Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партиялар ролининг ортиб бориши.

### **Сиёсий элита ва сиёсий етакчилик**

“Сиёсий элита” тушунчаси ва концепциялари. Жамиятнинг элитарлиги, элита тўғрисидаги қарашлар. Элитанинг табақаланиши. Унинг бошқарувчи ва мухолиф, олий, ўрта, маъмурий элиталарга бўлиниши. Сиёсий элитанинг ижтимоий вакиллиги. Элиталарни танлаш ва саралаш тизимлари (гильдия, антерпренерлик).

Етакчилик ҳақидаги қарашларнинг келиб чиқиши. Етакчилик тушунчаси. Расмий ва норасмий етакчилик. Сиёсий етакчилик концепциялари. Сиёсий етакчилик таснифи (авторитар ва демократик). Сиёсий элита ва етакчилик тўғрисида шарқона қарашлар. Форобий қарашларида етакчиларга қўйилган талаблар.

Ўзбекистонда сиёсий элита ва сиёсий етакчилик, унинг ижтимоий самардорлигини ошириш йўллари.

### **Сиёсий коммуникациялар**

“Сиёсий коммуникация” тушунчаси. Сиёсий коммуникациянинг ривожланиши тарихи. Сиёсат соҳасида коммуникация жараёнларининг моҳияти ва ўзига хослиги. Коммуникация назарияларидаги асосий ёндашувлар ва илмий мактаблар. Сиёсий коммуникация таркиби. Сиёсий коммуникацияларни туркумлаш.

Оммавий сиёсий коммуникациялар, уларнинг моҳияти ва ўзига хослиги. ОАВларининг оммавий коммуникация таркибида тутган ўрни. ОАВларининг таркиби ва вазифалари. Ижтимоий фикрни шакллантириш.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда сиёсий коммуникациялар аҳамиятининг ортиб бориши, бу борадаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш тўғрисида.



## **Сайловлар**

“Сайлов” тушунчаси. Сайловларнинг демократик жамиятдаги ўрни. Демократик жамиятда сайловларнинг вазифалари, асосий тамойиллари. Тоталитар, авторитар, ўтиш давридаги жамиятларда сайловлар. Сайловлар – демократияга ўтиш воситаси сифатида.

Сайлов жараёнининг асосий босқичлари. Сайловларнинг ҳуқуқий асослари. Сайлов тизими тушунчаси. Мажоритар сайлов тизими. Пропорционал сайлов тизими. Аралаш сайлов тизими. Механизм ва тадбирлар. Сайлов босқичлари.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда сайлов тизимининг шаклланиши ва ривожланиши. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов мамлакатимизда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш ҳақида.

## **Сиёсий ихтилофлар**

“Сиёсий ихтилоф” тушунчаси ва назариялари. Ихтилофлар таснифи; иқтисодий, ижтимоий, ички–сиёсий, ташқи ижтимоий–сиёсий, ҳудудий, тил хусусидаги ихтилофларнинг асосий турлари; манфаатлар, қадриятлар, монандликка оид, горизонтал ва вертикал ихтилофлар.

Ҳозирги замондаги ихтилофлар (давлатлараро, сиёсий партиялараро миллатлараро, гуруҳлараро)нинг келиб чиқиши сабаблари ва уларни бошқариш йўллари. Сиёсий музокаралар, мураса-мадора – турли ихтилофларни бошқаришнинг бош йўли.

Сиёсий инқироз: моҳияти, манбаи ва белгилари. Сиёсий инқирознинг кўринишлари: монандлик, легитимлик, иштирок, тақсимлаш инқирозлари. Ҳозирги замондаги сиёсий инқирозлар ва уларни ҳал этиш йўллари.

## **Сиёсий маданият, сиёсий мафкуралар**

“Сиёсий маданият” тушунчаси, моҳияти ва мазмуни. Сиёсий маданиятнинг даражалари ва таркибий элементлари. Сиёсий тафаккур, эътиқод ва ҳулқ-атвор. Сиёсий қадриятлар. Сиёсий маданият турлари. Ёпиқ ва очик, патриархал, фуқаролик ва фаол сиёсий маданият.

Сиёсий субмаданиятлар: ҳудудий, гуруҳий, этник ва бошқалар. Ғарб ва Шарқ сиёсий маданиятларининг асосий хусусиятлари. Сиёсий маданиятнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий ўзгаришларни амалга оширишдаги роли.

“Сиёсий онг” тушунчаси ва унинг шаклланиш жараёни. Сиёсий онг ва сиёсий борлиқ. Сиёсий онгнинг тузилиши. Сиёсий онгнинг ғоявий, коммуникатив, башорат қилиш, тарбиявий вазифалари. Сиёсий онгнинг турлари: назарий, эмпирик, оммавий, гуруҳий, индивидуал, умуминсоний, миллий, одатий. Сиёсий онг шаклланишининг асосий омиллари.

Ўзбекистонда замонавий сиёсий маданиятни шакллантириш йўллари ва воситалари. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов фуқароларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш тўғрисида. Сиёсий таълим-тарбияни ривожлантириш зарурлиги.

“Сиёсий мафкура” тушунчаси, моҳияти ва вазифалари. Мафкуранинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни, роли, манбалари ва мақоми ҳақидаги қарашлар. Сиёсий мафкуранинг даражалари: назарий-концептуал, дастурий-сиёсий, хулқ-атвор. Мафкуранинг хилма-хиллиги. Асосий мафкуравий оқимлар: либерализм ва неолиберализм; консерватизм ва неоконсерватизм; социал-демократия, марксизм ва неомарксизм; фашизм, анархизм.

Шарқ мамлакатларида мафкураларнинг ўзига хос хусусиятлари. Ўзбекистонда миллий ғоя ва унинг жамият ҳаётидаги ўрни ва роли.

### **Сиёсий модернизация**

Сиёсий модернизация тушунчасининг мазмун-моҳияти. Модернизация назарияларининг вужудга келиши ва ривожланиши. Модернизация омиллари, моделлари ва босқичлари. Шарқ ва Ғарб мамлакатларида модернизациянинг ўзига хос хусусиятлари. Модернизация жараёнида давлатнинг ўрни. Модернизация ва демократлашув жараёнларининг ўзаро боғлиқлиги.

Ўзбекистонда модернизация жараёнларининг ўзига хослиги. Сиёсий тизим ва сиёсий институтлар модернизацияси. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси – модернизация жараёнининг янги босқичи сифатида.

### **Халқаро сиёсат ва халқаро муносабатлар**

“Халқаро сиёсат”, “халқаро сиёсий тизим”, “халқаро муносабатлар” тушунчалари. Анъанавий жамиятдаги халқаро сиёсат. Халқаро сиёсатни назарий таҳлил қилишнинг бошланиши. XX аср бўсағасида жаҳон сиёсатидаги ўзгаришлар.

XX асрда жаҳон сиёсати ва халқаро муносабатларнинг ривожланиши. XX асрда халқаро муносабатлар ҳақидаги назариялар: “жаҳон тартибини инкилобий ўзгартириш” концепцияси, “геосиёсат” концепцияси, “сиёсий идеализм”, “сиёсий реализм мактаби”. Халқаро муносабатларнинг “замонавийлашув” назарияси.

Ҳозирги замон халқаро муносабатлари тараққиётининг асосий хусусиятлари. Халқаро муносабатларда икки қутбли тизимнинг тугаши ва “янги тартиб”нинг халқаро муносабатлар тизими сифатида қарор топиши. Давлат институтлари ва уларнинг халқаро ҳаётни ташкил этишдаги роли.

Халқаро ташкилотлар ва уларнинг асосий турлари. Сиёсий ва носий, давлат ва нодавлат халқаро ташкилотлар ва уларнинг халқаро сиёсатдаги ўрни ва роли.

Ҳозирги даврда Ўзбекистон ташқи сиёсати ва дипломатиясининг ўзига хос хусусиятлари. Халқаро майдонда Ўзбекистоннинг стратегияси. Ўзбекистоннинг Марказий Осиё минтақасида сиёсий низоларни хал қилишдаги ўрни.

### **Семинар машғулотларини ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар**

“Сиёсатшунослик” фани бўйича семинар машғулотларида маърузада баён қилинган назарий билимларни мустақамлаш, фан бўйича олинган билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш, талабаларнинг илмий-тадқиқот олиб бориш ва билиш қобилиятларини ўстириш, назарий ўқитиш жараёнида эгалланган билимларнинг амалиётга татбиқ этилишига алоҳида эътибор қаратилади.

Семинар машғулотлари давомида ўқитувчи ва талаба ўртасида икки томонлама яқин алоқа ўрнатилади: жонли суҳбат олиб борилади, ўзаро фикр алмашиш ва турлича қарашларни ифода этиш жараёнида фаннинг хусусий масалаларини чуқур ўрганиш мақсадини амалга оширади. Бунда замонавий педагогик технологиянинг интерфаол усуллари қўл келади.

Бу усуллар ёрдамида ўтказилган семинар машғулотларидан асосий мақсад – талабаларнинг фаол ишлаши ва мустақил фикрлаши, ўз-ўзини баҳолаш ва бошқаларнинг фикрларини ҳурмат қилиш, мустақил ишлаш ҳамда гуруҳда ишлаш кўникмаларини шакллантиришдан иборат.

### **Семинар машғулотларининг тавсия этиладиган тахминий мавзулари:**

1. Сиёсатшуносликнинг ижтимоий фанлар тизимида тутган ўрни.
2. Сиёсий қарашларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши.
3. Сиёсатнинг жамият ҳаётида тутган ўрни, мақсадлари, вазифалари ва усуллари.
4. Сиёсий тизим
5. Давлат – бош сиёсий институт
6. Фуқаролик жамияти ва унинг институтлари
7. Сиёсий элита ва сиёсий етакчилик
8. Сиёсий коммуникациялар
9. Сайловлар
10. Сиёсий ихтилофлар
11. Сиёсий маданият
12. Сиёсий мафкуралар
13. Сиёсий модернизация
14. Халқаро сиёсат ва халқаро муносабатлар

### **Мустақил ишларни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни**

Мустақил таълимнинг турли хил шакллари мавжуд бўлиб, бунда асосий эътибор талабанинг берилган мавзулар (амалий масалалар, топшириқлар ва кейс-стадилар)ни мустақил равишда, яъни аудиториядан ташқарида бажариши, ўқиб ўрганиши ва шу йўналиш бўйича билим ва кўникмаларини чуқурлаштиришига қаратилади.

Талаба мустақил ишни тайёрлашда муайян фаннинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиш тавсия этилади:

– дарслик ёки ўқув қўлланмалар бўйича фанлар боблари ва мавзуларини ўрганиш;

– тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш;

– мустақил ишлар, кейс-стадилар билан ишлаш;

– махсус ёки илмий адабиётлар (монографиялар, мақолалар) бўйича фанлар бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;

– фанга оид маълумотларни ўрганиш, уларни таҳлил қилиш;

– талабанинг ўқув-илмий-тадқиқот ишларини бажариш билан боғлиқ бўлган фанлар бўлимлари ёки мавзуларни чуқур ўрганиш;

– фаол ва муаммоли ўқитиш услубидан фойдаланиладиган ўқув машғулотлари;

– масофавий (дистанцион) таълим.

«Сиёсташунослик» фанидан талабаларнинг мустақил ишларини реферат, семинар, маъруза тайёрлаш, Президент асарларини конспектлаштириш ва бошқа шаклларда ташкил этилиши тавсия этилади. Мустақил иш мавзуларини белгилашда маъруза ва семинар машғулотлари мавзуларини тўлдиришга ҳаракат қилиниши лозим.

#### **Тавсия этиладиган мустақил таълим мавзулари:**

1. Сиёсат ижтимоий ҳодиса сифатида.
2. Сиёсий манфаатлар ва уларни сиёсатда тақдим этиш механизмлари.
3. Сиёсатда мақсад ва воситаларнинг ўзаро нисбати.
4. Сиёсатнинг тоталитар, анархистик ва демократик концепциялари.
5. Сиёсатда восита ва услублар.
6. Ўзбекистон Республикасининг ички сиёсати: устувор йўналишлар ва натижалари.
7. Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг асосий йўналишлари.
8. Қадимги Хитойда сиёсий фикр.
9. “Авесто”нинг буюк ва ўлмас ғоялари.
10. Қадимги Юнонистондаги сиёсий таълимотлар.
11. Ўрта асрларда Марказий Осиёдаги сиёсий фикр.
12. Форобий фозил давлат ҳақида.
13. «Темур тузуклари»даги сиёсий ғоялар.
14. Макиавелли сиёсат ва ҳукмдор ҳақида.
15. Ж.Локкнинг сиёсий таълимоти.
16. Гегель давлат ва фуқаролик жамияти ҳақида.
17. М.Вебернинг ҳокимият ва сиёсат ҳақидаги қарашлари.
18. Сиёсий жараён акторлари ва уларнинг ўзаро муносабатлари.
19. Ўзбекистонда демократик жараёнлар ва уларнинг ривожланиши.
20. Сиёсий тизим турлари.
21. Д. Истон ва Г.Алмонднинг сиёсий тизим ҳақидаги қарашлари.

22. Президент Ислом Каримов Ўзбекистон сиёсий тизимини ислоҳ қилиш ва янгилаш ҳақида.
23. Сиёсий тизимни таҳлил қилиш усуллари ва моделлари.
24. Тоталитаризмнинг моҳияти ва асосий белгилари.
25. Афлотун сиёсий таълимотида тоталитар ғоялар.
26. Авторитар тартибот: моҳияти, асосий белгилари ва кўринишлари.
27. Ривожланаётган мамлакатлардаги авторитар тартиботлар ва уларнинг хусусиятлари.
28. Демократиянинг келиб чиқиши ва эволюцияси.
29. Демократиянинг моҳияти ва асосий тамойиллари.
30. Демократиянинг либерал модели.
31. Демократиянинг плебисцитар модели.
32. Демократиянинг плюралистик модели.
33. Социал-демократик ғояларнинг ижтимоий-сиёсий тараққиётдаги ўрни.
34. Либерал-демократик ғояларнинг жамият тараққиётдаги ўрни.
35. Демократияга ўтишнинг асосий моделлари.
36. Сиёсий партия ва унинг жамият сиёсий тизимидаги ўрни.
37. Ўзбекистонда сиёсий партиялар фаолиятининг ҳуқуқий асослари.
38. Ўзбекистонда сиёсий партиялар фаолиятининг тактикаси ва усуллари.
39. Жамоат бирлашмаларининг жамият сиёсий тизимидаги ўрни.
40. Ўзбекистонда жамоат бирлашмаларининг конституциявий–ҳуқуқий тартибга солиниши.
41. Республика “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати.
42. Мамлакатимиз сиёсий ҳаётида хотин-қизлар ташкилотларининг ўрни ва роли.
43. Касаба уюшмаларининг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида ролининг ошиб бориши.
44. Ўзбекистонда давлат ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорлиги.
45. Форобийнинг ҳукмдор ҳақидаги қарашлари.
46. Сиёсий етакчилик тушунчаси ва замонавий концепциялар.
47. Президент Ислом Каримов сиёсий етакчилик ва раҳбарлик маъсулияти тўғрисида.
48. С. Хантингтон цивилизацияларнинг тўқнашуви ҳақида.
49. Марказий Осиё мутафаккирлари сиёсий маданият тўғрисида.
50. Сиёсий ва ҳуқуқий онгнинг ўзаро бирлиги.
51. Сиёсий маданият ва сиёсий анъаналар.
52. Халқаро ихтилофлар ривожланишининг хусусиятлари ва асосий босқичлари.
53. Ҳозирги дунёдаги ихтилофлар.
54. Минтақавий можаролар ва уларнинг сиёсий ечимлари.
55. Замонавий жаҳон тартиботи концепциялари.

## **Дастурнинг информацион-услубий таъминоти**

“Сиёсатшунослик” фанини ўқитишда замонавий, интерфаол усуллар, ахборот-коммуникация (“медиа-таълим”, амалий дастур пакетлари, презентациялар, электрон-дидактик) технологияларининг қўлланиши назарда тутилади. Фанни ўқитиш давомида электрон дарсликлар, мавзуга оид теледисклар ва бошқа кўргазмали қурооллардан фойдаланилади.

## **Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати**

### **Раҳбарий адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т. Ўзбекистон. 2011.
2. Каримов И.А. Асарлар тўплами. 1-18 жилдлар. Т. Ўзбекистон. 1996-2010.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.-Маънавият. 2008.
4. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Т. - Ўзбекистон. 2010.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т. - Ўзбекистон. 2011.

### **Дарсликлар ва ўқув қўлланмалар:**

1. Эргашев И. ва бошқалар. Политология. Ўқув қўлланма. -Т.; Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2002.
2. Пугачёв В.П., Соловьев А.И. Сиёсатшуносликка кириш. –Т.; Янги аср авлоди, 2004.
3. Политология. С.Жўраев муҳаррирлигида.-Т.; ТДЮИ. 2006.
4. Одилқориев Т., Раззоқов Д. Сиёсатшунослик. Дарслик. – Т: Ўқитувчи, 2011.
5. Назаров Қ., Холбеков А., Умарова Н. Сиёсий бошқарув.Бошқарув социологияси, психологияси ва акмеология асослари -Т. Академия.2007.
6. Холбеков А., Жумаев Р., Умарова Н. ва бошқалар “Бошқарувнинг ижтимоий - сиёсий йўналишлари”-Т.; Ғ. Ғулом, 2008.

### **Қўшимча адабиётлар:**

1. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. –Т.: Халқ мероси, 1993.
2. Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан / Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим Вазирлиги, “Маҳалла” жамғармаси; масъул ижодий гуруҳ. А.Ш.Бекмуродов( ва бошқалар) – Т.: «Oqituvchi» НМИУ,2011-2006.
3. Желтов В.В., Желтов М.В. Политическая социология: Учебное пособие для вузов.-2-е изд., доп и испр.-М.: Академический Проект, 2009.
4. Жумаев Р.З. ва бошқ. Сиёсий ислохотлар стратегияси. – Т.: Академия. 2010.
5. Парламент сайлови: миллий қонунчилик ва хорижий тажриба. Илмий-амалий қўлланма. Т. 2009.
6. Комилов Н. ва б. Жамият қурилиши ва ижтимоий бошқарув. Т. Академия. 2007.
7. Очилдиев А. Миллатлараро тотувлик – барқарорлик ва тараққиёт омили. Т. Академия. 2005.
8. Отамуратов С. Миллий ривожланиш фалсафаси. Т. Академия.2005

9. Темур тузуклари.-Т.: Ғофур Ғулом, 1991.
10. Тинчлик ва бағрикенглик атамалари изоҳли луғати. Т.ЖИДУ.2005
11. Усарова Ф. Буёқ алломалар ижодида аҳиллик ва бағрикенглик ғоялари. Т.: ЖИДУ.2005
12. Низомулмулк. Сиёсатнома(Сияр-ул-мулк). -Т.: Янги аср авлоди”, 2008.
13. Мусаев Ф. Демократик давлат қуришнинг фалсафий-ҳуқуқий асослари. -Т.: Ўзбекистон, 2007.
14. Одилқориев Х.Т. Икки палатали парламент шароитида қонун. Т.: 2005.
15. Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти институтлари.Т.: Академия. 2006
16. Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: генезиси, шаклланиши ва ривожланиши. -Т.: Ўзбекистон, 2010.
17. Исмоилов З.И. Ўзбекистон модернизациялаш ва демократик тараққиёт сари. Т.: Адолат, 2005.
18. Сафоев С. Марказий Осиёдаги геосиёсат. -Т.: ЖИДУ. 2005
19. Ўзбекистон ва халқаро ташкилотлар. -Т.: Академия. 2005
20. “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”ни ўрганишга бағишланган Республика илмий-амалий конференция материаллари. (2011 йил 16 март). Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Миллий университети, “Сиёсатшунослик” кафедраси, Республика “Камолот” Ёшлар ижтимоий ҳаракати,- Т.: Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети. 2011. – 413 б.

### **Электрон таълим ресурслари:**

1. [www.gov.uz](http://www.gov.uz)
2. [www.press.uz](http://www.press.uz)
3. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)